

IQTISODIY TADQIQOTLAR
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

1
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

**IQTISODIY TADQIQOTLAR
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
“ECONOMIC RESEARCH”)**

ILMIY JURNALI

1

2021

Toshkent

1
2021

Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

MUASSIS

Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti

Tahrir kengashi raisi:

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,
akademik

Tahrir kengashi:

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor
Xudoyqulov Sadreddin Karimovich – i.f.d., professor
Begalov Baxodir Abdusalovich- i.f.d., professor
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent
Asqarova Mavluda Turopovna- i.f.n., dosent
Xajiiev Baxtiyor Dushaboyevich- i.f.n., dosent
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent
Kamalova Malika Nizamovna- i.f.n., dosent
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

Tahrir hay'ati:

Begzod O'rinnov- (AQSh)
Uktam Burhanov – (Chekiya)
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)
Mark Rozenbaum (AQSh)
Wolfgang Lukas (Germaniya)
N.V. Morozov (Rossiya)
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)
Sherqul Shodmonov (Toshkent)
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)
Axmedjon Mamatov (Toshkent)
Ju Jengron (Xitoy)
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

1 2021

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

Bosh muharrir:

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

Adabiy muharrir

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

Bosh muharrir o'rbinbosari

Amirov L.F. - PhD

Musahhih:

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydala-nilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>

E-mail: economicresearchjournal@gmail.com

MUNDARIJA

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT

Xajiyev B.D.	Milliy iqtisodiyotda daromadlar taqsimoti adolatlilagini ta'minlashning konseptual asoslari	5
--------------	---	---

Mamatov A.A. Erkayev A.N.	O'zbekiston iqtisodiyotini transformasiyalashuvi jarayonida investision mexanizmning roli	13
------------------------------	---	----

BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV

Maxmudov N.	Innovatsion faoliyatning asosi – intelektual salohiyat	24
Amirov L.F.	O'zbekistonda qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish muammolari	33

INSON RESURSLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIY SIYOSAT VA BANDLIK

Goyipnazarov S.B., Saidov N.R., Yuldashev S.	Human capital and methodological aspect of calculating it: a global approach	45
Irmatova A.B., Isamuxamedov B.B.	O'zbekistonda kambag'allik holatining tahlili	57
Qosimov A.A.	Mehnat bozorining rivojlantirish va aholi bandligini ta'minlash yo'llari	72

TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH

Salimov B.T., Salimov B.B.	Kichik va o'rta biznesni innovasion rivojlantirish	81
Yusupov M.S., Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash tizimini rivojlantirish mexanizmlari	86
Salimov Sh.B.	Kichik va o'rta biznesda innovasion faoliyatni rivojlantirish	103

TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH

YULLARI, MUAMMOLAR, TAXLIL VA NATIJA

Muhiddinova M.S.	Muqimiy ijodining yetakchi xususiyatlari	109
Kamalova M.N.	Модернизация системы языковой подготовки студентов неязыковых вузов Узбекистана	124
Xolmatova Sh.M.	Профессиональная компетенция в процессе преподавания русского языка как иностранного	131

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Салимов Ш.Б.

Макроиқтисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш
институти тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада кичик ва ўрта бизнесда инновацион фаолиятни ривожлантиришда корхоналаринг инновацион имкониятлари, бизнес-инкубатор ва кичик саноат зоналарнинг роли ва аҳамити очиб берилган, бизнес-инкубаторларни ва кичик саноат зоналарини кластер асосида ташкил қилиниши истиқболда кичик ва ўрта бизнесни самарали инновацион ривожжанишида муҳим ўрин тутиши масалалари кўрилган.

Аннотация. В статье освещены роль и значение инновационного потенциала, бизнес-инкубаторов и малых промышленных зон в развитии инновационной деятельности малого и среднего бизнеса, рассмотрены вопросы эффективного и инновационного развитии малого и среднего бизнеса на базе создания бизнес-инкубаторов и кластеризованных малых промышленных зон.

Abstract. The article highlights the role and importance of the innovative potential, business incubators and small industrial zones in the development of innovative activities of small and medium-sized businesses, discusses the issues of effective and innovative development of small and medium-sized businesses based on the creation of business incubators and clustered small industrial zones.

Калит сўзлар: инновацион фаолият, бизнес-инкубатор, кичик саноат зонаси, кластер, инновацион ривожланиш, мезон, самарали, кичик бизнес, щрта бизнес.

Ключевые слова: инновационная деятельность, бизнес-инкубатор, малая индустриальная зона, кластер, инновационное развитие, критерии, эффективный, малый бизнес, малый бизнес.

Key words: innovative activity, business incubator, small industrial zone, cluster, innovative development, criteria, efficient, small business, small business.

Миллий ва худудий иқтисодиётнинг ривожланишида кичик ва ўрта бизнесни(КЎБ) инновацион ривожланиши муҳим ўрин тутади. КУБни инновацион фаолият билан шуғулланишидан мақсад: фойдани ва маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш, хомашёни тежаш ва маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида ўрта бизнес тушунчаси мавжуд эмас. Ташкилотларни кичик тадбиркорлик субъектига киритиши Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 август 275-сонли қарорига кўра ишлаб чиқилган классификацияга асосланади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши зарурлиги ва унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рафбатлантириш механизmlари назарда тутилиши кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли мамлакатимизда

ҳалқаро тажрибадан келиб чиқиб, бизнесни кичик ва ўрта бизнесга киритиш мезонларини ишлаб чиқиши долзарб ҳисобланади. Мамлакатимизда бизнесни КўБга киритиш мезонларини ишлаб чиқишида ривожланган давлатлар тажрибасига, кўпроқ ЕИ давлатлари тажрибасига таяниш самарали натижа беради, бу ерда ходимлар сони мезони билан бирга товар айланмаси (сотиш ҳажми) мезони киритилиши КўБ турларини янада аниқроқ белгилаш имконини беради. Микрофирмаларда ходимлар сонини (1-9 та), кичик корхоналарда (10-49 та) ва ўрта корхоналарда (50-249 та), устувор соҳаларда эса (электроника ва юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳа, тадқиқотлар олиб бориш соҳасидаги хизматлар) юқори чегарани 300 тагача белгилаш мақсадга мувофиқ. Чунки бу юқори малакали кадрлар сафини кенгайтиради ва иқтисодиётнинг рақобатдошлиги ошишига олиб келади. [4]

КўБ корхоналарининг заиф томони уларнинг молиявий имкониятлари йирик бизнесга нисбатан чекланганлиги. Янгиликни ишлаб чиқиши, амалиётга жорий қилиш ва натижани тижоратлаштириш босқичларини молиявий таъминлаш катта маблағ талаб қиласди. Шу сабабли КўБ кўп ҳолларда илмий тадқиқот институтлари, университетлар, бизнес инкубаторлар, технопарклар ва бошқа илмий-техник марказлар билан ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қиласди. Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа шарқий давлатларида КўБ имитацион инновациядан фойдаланади.

Корхоналарнинг инновацион имкониятлари қуидагилар билан тавсифланади:

- корхонанинг ривожланганлик даражаси, рағбатлантиришнинг мавжудлиги, креативлик, инновацион маданият;
- бошқарув тизими сифати: ишлаб чиқаришни ташкил этиш, персонални бошқариш, бошқа корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар билан алоқа ўрнатиш;
- корхонанинг молиявий ҳолати ва имконият (инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбаларини баҳолаш);
- истеъмолчилар билан алоқа ўрнатиш;
- инновацион жараённинг барча босқичларини бир киши томонидан бошқариш инновацион жараённинг тезлашувига олиб келиши;
- ишлаб чиқаришнинг капитал сифими паст бўлиши.

КУБнинг инновацион фаолиятини амалга оширишда бизнес-инкубаторлар мухим ўрин тутади. Бизнес-инкубаторлар ихтисослашган инфратузилма шаклларидан бири бўлиб, бизнес маркази, фонdlар, ўқув маркази ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан биргаликда КУБни қўллаб-куватлаши мумкин. Бизнес-инкубаторнинг асосий вазифаси КУБни муваффакиятли ривожлантириш орқали уни мустақил фаолият олиб боришини таъминлаш, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қиласди. [5]

Бизнес-инкубаторларни шакллантиришда қўйиладиган мақсадлар ҳар хил бўлиши мумкин:

- КУБ инновацион фаолиятини фаоллаштириш;
- КУБ барқарорлиги, рақобатдошлигини ошириш;

- КУБ субъектлар сонини ошириш;
- КУБ самарали ривожланиш тажрибасини оммалаштириш;
- янги иш ўринлари ва янги ишлаб чиқаришларни яратиш;
- ўз фаолиятини бошлайдиган КУБга технологик ва иқтисодий-хуқуқий ёрдам бериш;
- бино ажратиш, бошқарувни ташкил этишга ёрдам кўрсатиш;
- ташки иқтисодий фаолиятни йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- бизнес-режани ишлаб чиқишига ёрдам;
- маркетинг изланишларга ёрдам кўрсатиш;
- лойиҳаларнинг инвестицион жозибадорлигини асослаш ва ҳоказо.

КўБни инновацион ривожлантиришда технопарклар ҳам мухим рол ўйнайди. Технопарк концепциясига кўра, унда янги технологияларни ишлаб чиқиши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласи белгиланади, бу технопарк ҳудудида илмий тадқиқот элементи бўлишини талаб этади [6].

Технопарк – илмий ва инновацион инфратузилма субъекти бўлиб, илмий-техник соҳада маҳсулот ишлаб чиқарувчи илмсифимли компанияларни ривожлантириш учун керакли шароитларни яратади, у жиҳозланган эксперементал база, ижтимоий инфратузилма ва юқори малакали кадрлар таркибига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида” 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли фармонига кўра, “Яшнобод” инновацион технопарки ташкил қилинди. Яшнобод технопаркининг яратилишидан мақсад инновация маҳсулотлари яратилишининг барча босқичларида, шунингдек, маҳаллий ва хорижий ишланмалар ва технологиялар асосида инновация, юқори технологияли ва илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ташаббускорларига кўмаклашиш, инновация тадбиркорлигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; технопарк резидентлари технологияларини, замонавий хорижий ва маҳаллий технологиялар трансферини таъминлаш; экспортга йўналтирилган инновацияларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш; инновация тадбиркорлиги, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, самарали лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикчиликдан фойдаланишни йўлга қўйиши.

Технопаркда ташкил этилган мувофиқлаштириш кенгаши қарорига кўра, резидентлар (ютиб чиқкан инновацион лойиҳаларига асосан) рўйхатга олинади, резидентларга инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш босқичларини ташкил этиш, молиялаштириш, уларни технопарк ҳудудида жойлаштириш, инновацион ишланмаларни лицензиялаш, патентлаш ва бошка масалаларда кўмаклашади.

Технопарк резидентларига бериладиган имтиёзлар: лойиҳаларни амалга ошириш даврида 2 йиллик имтиёз даври билан бирга 7 йилгача муддатда Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 %лик ставкаси билан имтиёзли кредитлар ажратилади; резидентлар амалга оширилаётган инновацион

лойиҳалар бўйича барча муддатга ер солиғи, даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқа тўловлардан озод этилади. Технопарк фаолиятининг устувор йўналишларига қуидагилар киради: кимё технологиялари, биотехнологиялар, фармацевтика, материалшунослик, металларга ишлов бериш технологиялари, қурилиш материаллари, муқобил энергия, электрон ўлчов асбоблари, робототехника, машинасозлик ва электротехника соҳалари.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, “Яшнобод” инновацион технопаркида 35 та инновацион лойиҳа эгаларига резидент мақоми берилган. Резидентлар томонидан инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун 33,6 млн. АҚШ доллари миқдорида шахсий маблағлар, 15,6 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилинган. Резидентлар томонидан 4,6 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. 147,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 1,1 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган ва 337 та янги иш ўринлари яратилган. (Яшнобод технопаркининг хисобати материаллари).

КўБни инновацион ривожлантиришда кластерлар муҳим ўрин тутади. Кластерлар тармоқлар иқтисодиётининг самарали ривожланишини таъминлайди, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, инновацион фаолликни оширишга олиб келади, ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга, корхоналар ўртасида кооперация ва ихтисослашувнинг қучайишига замин яратади. Кластерлар кластер субъектларига синергетик самара олишини таъминлайди.

Инновацион кластерни бир нечта саноат корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари, КУБ вакиллари, давлат ҳокимияти органлари ва ўқув муассасаларининг ноформал бирлашуви деб қараш мумкин. Инновацион кластерлар илмий янгиликлар, янги билимлар ва ихтиrolар трансферини тезлаштиради ва булар кейинчалик инновацияга айланади. [2]

Республикамизда саноат соҳасида КўБни самарали ривожлантириш йўналишларидан бири кичик саноат зоналари (КСЗ) хисобланади. КСЗ давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, заарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган худудлари негизида ва қишлоқ хўжалигига яроқсиз бўлган ерларда яратилмоқда. КСЗлар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни реал қўллаб-куватлаш ва уларни ривожлантиришни янги юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. [1]

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотларига кўра 1 октябрь 2020 йил ҳолатига кўра 149 та кичик саноат зоналари фаолият кўрсатмоқда. Жами лойиҳалар сони 2264 та бўлиб, шундан 1298 таси амалга оширилган, 971 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Амалга оширилган лойиҳалар хисобидан 1640 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, импорт ўрнини босувчи товарлар ҳажми 482,3 млрд. сўмни ташкил қиласди, 24,3 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинган, 28031 та иш ўринлари яратилан. Маҳсулот турлари сони эса 2147 тага teng.

Ўзбекистон шароитида кичик саноат зоналари (КЗС)ни ташкил этишда кластердан фойдаланиши КУБни кооперациялашувига, хом ашёдан тортиб то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишгача бўлган жараёнларни амалга оширадиган корхоналарни компакт бир ҳудудда яни КСЗда жойлашиши харажатларни камайишига, инновацион жараёнларни ривожлантиришга ва синергетик самара олишга имкон яратади. КЗС таркибидаги инновацион марказнинг ташкил этилиши КЗСни илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва бошқа инновацион корхоналар билан ҳамкорликда ишлаши инновацион жараёнларни амалга оширишни, янги технология ва ускуналардан фойдаланиш, имитацион инновация ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, барча давлатлар учун кластерни барпо этишнинг ягона унификациялашган механизми мавжуд эмас. Демак, ҳар бир ҳудуд учун кластерни барпо этиш бўйича асосланган дастур ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон шароитида КСЗларда кластерни ташкил этиш босқичларини келтирамиз:

1. Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядроини аниқлаш).
2. Якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш, асосий корхоналар сифатида ўрта бизнес субектлари бўлиши мумкин..
3. Аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиласидиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш.
4. Ҳудудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш.
5. Кластерни ривожлантириш марказини тузиш (инновацион марказ тузиш ва илмий тадқиқот институтлари ва университет билан алоқа ўрнатиш).

Кластернинг шаклланиши учун давлат томонидан керакли шарт-шароитлар яратилиши муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида текстил соҳасида, чарм-пойафзал, мева-сабзавот соҳаларида, майший ускуналар (сув ва газ ўлчагич приборлар) ва автомобиллар учун ҳар-хил қисмлар ишлаб чиқариш бўйича КСЗ ларини барпо этиш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Салимов Б.Т. Салимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш: монография/ Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2020.-137 b.
2. Мазилов Е.А. Развитие промышленного комплекса в контексте модернизации экономики региона, монография/ ИСЭРТ РАН, Вологда, 2015.-168c.
3. Porter M.E. Oncompetition. Cambridge. MA A Harvard Business Review Book, 199

4. Салимов Ш.Б. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда тадбиркорлик турлари ва уларни аниқлаш мезонлари. “Iqtisodiyot va Innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektronjurnal. № 3, may-iyun 2020y.
5. Горбунов В.Л. Бизнес-инкубаторы и предпринимательство: монография/РИОР; Инфра-М, М.: 215с.
6. Луговцев.А.В. Технопарки как инновационная форма развития машиностроения [Текст] / А.В. Луговцев, А.В. Макаров. – М.: Наука 2009. – 182 с.